

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



“Ўзми'llийбанк” Регистон БХМ

бошқарувчиси в.б

А.Х.Мухторов

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаоллият миллий банки” АЖ Ахборот ва банк хавфсизлиги департаменти раҳбарлигида “Ўзми'llийбанк” АЖ Регистон БХМ раҳбарияти ва барча ходимлари билан биргаликда ўтказилган
АХ - сонли йиғилиш баёни

24.04.2025 йил

Самарканд шаҳар Фирдавий кўчаси № 7 уй

Раислик қилди:

**“Ўзми'llийбанк” АЖ Ахборот ва Банк Хавфсизлиги
Департаменти Директори Ш.Н.Мухамадкулов.**

Қатнашдилар:

**“Ўзми'llийбанк” АЖ Регистон банк хизматлари маркази
ходимлари билан ИП телефон “ЗООМ” орқали ВКС
ташқил қилиниб, йиғилиш баёнлари ўтказилди. рўйхат
асосида.**

Кун тартибидаги масалалар:

- 1. “Ўзми'llийбанк” АЖ Регистон банк хизматлари марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига (26.12.2025й) Мурожаатномасида “коррупцияга қарши курашиш бўйича ислохотлари” Коррупцияга йўл қўйиш-ислохотларга хиёнат деб белгиланди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2026 йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қилинди.**
- 2. “Ўзми'llийбанк” АЖ Регистон банк хизматлари марказидаги банк ходимлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ва уларни олдини олишга қаратилган чора тадбирлар тўғрисида.**
- 3. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Ўзми'llийбанк” АЖнинг Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати ва Корпоратив этика кодекси талаблари.**
- 4. Банк ходимлари томонидан одоб ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ҳамда ўз лавозим вазифаларини белгиланган тартиб ва йўриқномалар қатъий амал қилган ҳолда бажариш юзасидан.**

(Ш.Н.Мухамадкулов, А.Х.Мухторов)

Кун тартибидаги масала юзасидан “Ўзми'llийбанк” АЖ Ахборот ва банк хавфсизлиги департаменти директори Ш.Н.Мухамадкулов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига (26.12.2025й) Мурожаатномасида “коррупцияга қарши курашиш бўйича ислохотлари” Коррупцияга йўл қўйиш-ислохотларга хиёнат деб белгиланди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2026 йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қилинди. Мурожаатномаси асосан. Регистон банк хизматлари маркази, мавжуд ИП телефон “ЗООМ” орқали ВКС ташқил қилиниб, йиғилиш ўтказилди.

Коррупцияга йўл қўйиш – ислохотларга хиёнат деб белгиланди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2026 йилда **“фавқулодда ҳолат”** эълон қилинди. Ҳисоб палатасининг вакили фаолияти йўлга қўйилиши белгиланди. Ушбу раҳбарлар тизимдаги нопок шахсларни аниклаш, шунингдек, бюджет маблағи талон-торож бўлиши ва мансабни суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича таъсирчан назорат ўрнатиши ва Президент олдида ҳисобот бериши таъкидланди.

“лавозимим ва унвоним бор, менга ҳеч ким тегмайди” деб ҳисоблаган шахслар янглишаётганини, қонун олдида барча тенг экани алоҳида таъкидланди.

Бугунку кунда барча банк ходимларнинг ҳуқуқи онги ва маданиятини юксалтириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бағишланган профилактика тадбирларининг самарасини ошириш, коррупция ҳолатлари пайдо бўлмаслиги учун назорат ишларини кучайтириш мақсадида йиғилиш иштирокчиларни таништириб ўтди.

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва Агентлик ташкил қилинганлиги. Энг муҳими, жамиятда коррупция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадаган очик тизим, очик муҳит яратилганлиги. Айниқса, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ўрни ва таъсири ортиб бормоқда. Аввало, коррупциянинг омилларига қарши курашилмоқда.

Йиғилиш давомида “Ўзмиллийбанк” АЖ Ахборот ва Банк Хавфсизлиги Департаменти Директори Ш.Мухаммадқулов иштирокчиларга дастлаб, кун тартибидаги масалалар юзасидан, жорий йилнинг март ва апрел ойларида “Ўзмиллийбанк” АЖнинг Наманган, Андижон, Сурхандарё вилоятлари Бош бошқармаларида, бундан ташқари “Ўзмиллийбанк” АЖнинг Фарғона вилояти Марғилон БХОда фаолият олиб бораётган бир нечта ходимлар томонидан ўз манфаатларини кўзлаб, ноқонуний йўллар билан даромад орттириш мақсадида олди-сотти ишларига аралашиб, банкоматлардаги ва банк кассаларидаги нақд пул маблағларини ўзлаштириш натижада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан қўлга олинганлиги ва ҳозирда ушбу банк ходимларини устидан тергов жараёнлари олиб борилаётганлиги тўғрисидаги маълум қилди ва бу ҳолат “Ўзмиллийбанк” АЖ раҳбариятнинг жиддий этирозларига сабаб бўлганлиги, бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик ва кескин олдини олиш юзасидан қўшимча вазифалар берилгани ҳақида гаприб ўтди.

Жумладан, банк тизимда соғлом муҳитни таъминлаш, ходимлар орасида порахўрлик ва таъмагирликни олдини олиш, келгусида бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик ҳамда бу борада амалга оширилаётган ишларни кескин жонлантириш тўғрисида бир қатор топшириқлар берилганлигини маълум қилган ҳолда кун тартиби юзасидан қуйидагиларга тўхтаб, хусусан, Коррупциявий хавф-хатарлар, унга сабаб бўлувчи омилларга оид маълумотлар билан доимий равишда танишиб бориш, лавозим йўриқномасида белгиланган вазифаларни масъулият билан ижро этиш тўғрисида алоҳиди кўрсатмалар берган ҳолда, амалга оширилаётган фиссал вазифаларда Банк ходимларига алоқадорлик даражаси тўлақонли текширув ва таҳлиллар қилиш, ходимлар томонидан юқоридаги каби ҳолатларга йўл қўйилган тақдирда кескин чоралар кўрилиш тўғрисида огоҳлантиришлар ва тегишли кўрсатмалар берилди. Банкда коррупцияга қарши муросасизлик муҳитини яратиш учун коррупциянинг нопок иллат эканлиги, бу қилмишнинг оқибатлари нималарга олиб келиши, қонунчиликда қандай жазолар белгиланганлиги бундан ташқари банкда коррупцияга дуч келганда қайси ишонч рақамларга ва ижтимоий сайтлардаги сайтларимизга хабар бериши кераклиги тўғрисида кўргазмали маълумотларимиз борлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиши банкларда коррупция, непотизм, ўз ишига масъулиятсизлик сабаб жуда кўп коррупсион ҳолат келиб чиқаётганлигини, банкларда муаммоли кредитлар салмоғи ошиб кетаётганлигини, банкларда иқтисодий муаммолар вужудга келаётганлигини, бунинг туб замирида коррупция омили борлигини айтиб ўтди. Жумладан, доимий равишда коррупциявий хатти-ҳаракатларга оид маълумотларни аниқлашини ҳамда банк ходимларига алоқадорлик даражаси нуқтаи-назаридан дастлабки текширув ва таҳлилни амалга оширишда, “Ўзмиллийбанк” АЖ Бош офис ва Бош бошқармаларнинг айрим нопок ходимлари

томонидан ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда пул маблағларини қонунга ҳилоф равишда коррупсиявий ҳатти-ҳаракатларини содир этилаётганлигини маълум қилиб, “Ўзмиллийбанк” АЖ Андижон Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Муаммоли кредитларни ундириш ва юридик мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи томонидан ҳали банк балансига олинмаган суд жараёнида бўлган ўзганинг мулкни ҳақиқий қийматидан анча арзон қийматда ўзга бир шахснинг номига ўтказиб беришни вада қилиб, буни эъвазига 40 000 АҚШ доллари олаётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўлга олинганлигини айтиб ўтди.

Ҳозирда айрим ходимлар томонидан белгиланган банк ички тартиб қоидаларига риоя этмаслик, ўз лавозим йўриқномасида белгиланган мажбурият ва вазифаларга совуққонлик билан ёндашиш оқибатида банкка моддий зарар этказилишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида банкнинг нуфузига ҳам ўз таъсирини кўрсатишини айтиб ўтди. Хусусан жорий йилнинг март ойида “Ўзмиллийбанк” АЖ Сурхондарё Бош бошқармаси тасарруфидаги Термиз амалиёт БХМнинг ҳисоб китоб ва бизнесни техник қўллаб қувватлаш шўъбаси мудир томонидан ноқонуний равишда банкоматларга қўйилган маблағларни ўзлаштириш ҳолати содир этилди. “Ўзмиллийбанк” АЖ Бошқарувининг 2024 йил 04-январдаги 673-сон билан рўйхатга олинган “Ўзмиллийбанк” АЖ тизимида банкоматларга техник хизмат кўрсатиш, уларни нақд пул билан таъминлаш ва автоматлаштирилган шаклда валюта айирбошлаш амалиётларини амалга ошириш тартибининг 5-бандида Банкоматларни нақд пул билан таъминлаш ҳамда банкоматдаги нақд пулларни банк бўлинмаси касса амалиётига топшириш тартиби келтириб ўтилган. Тартибга асосан банкоматга нақд пул қўйишда банкоматнинг ташки калити ҳисоб китоб ва бизнесни техник қўллаб қувватлаш шўъбаси мудирда, банкоматнинг сейф калити кассирда бўлиши лозимлиги, банкоматдан олинган нақд пулларнинг қолдиғини касса мудирга топширилиши бўйича бириктирилган касса ходими жавобгарлиги келтириб ўтилган. Касса ходимларининг ўз ишига лоқайдлиги ва масулиятсизлиги ва бухгалтерияда маъсул ходимнинг ишда йўқлигидан фойдаланган шўба мудир томонидан мазкур ҳолат содир этилишига сабаб бўлди. Мазкур ҳолатлар содир этилганлиги ачинарли эканлигини, улар оъзининг ва яқинларининг келажагини оъйламасдан, нопок ишларга қоъл урганлигини маълум қилиб, ҳар бир ходим оъзининг лавозим мажбуриятларини амалга ошириш давомида ўрнатилган ички тартиб қоидаларга қатъий амал қилиш лозимлиги, бундан ташқари, ходимлар орасида қоғлом муҳитни яратиш, ходимларнинг шахсий ҳавфсизлигига ҳамда Банк шаъни ва имиджига доғ туширмаслик, банкнинг “Одоб-ахлоқ” талабларига мувофиқ боълишлари, касб одобида риоя этишлари, уларнинг ташки қоъринишлари белгиланган стандарт талабларга мувофиқ боълиши лозимлигини маълум қилган ҳолда, Департаментнинг барча бўлим раҳбарларига талабчанликни ошириш лозимлигини маълум қилди.

Ўзмиллийбанк ходимлари томонидан ноқонуний операциялар бажарилиши, банк ва миждозларнинг маблағларини ўзлаштириш ҳатарини олдини олиш ҳамда “Ўзмиллийбанк АЖ нинг 2020 йил 10 августдаги 126-сонли – “Ўзмиллийбанк ходимларига тотализатор ва азарт ўйинлар ўйнашни тақиклаш тўғрисида” ги буйруғга асосан Ўзмиллийбанк ходимларининг “1хбет”, “ПокерСтарс” ва бошқа онлайн тотализатор ҳамда азарт ўйинларни ўйнаш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлари иш берувчи томонидан ходимга нисбатан ишончнинг йўқолиши учун асос ҳамда банк ходими иш этикаси ва ишдаги одоб-ахлоқ тамойилларига зид деб ҳисобланиши; Ўзмиллийбанк ходимлари томонидан “1хбет”, “ПокерСтарс” ва бошқа онлайн тотализатор ҳамда азарт ўйинлар ўйналиши Ўзмиллийбанк Ички меҳнат тартиби қоидаларини бир марта бузганлик учун меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлиб, ҳисобланиши келтириб ўтилган. Жорий йилнинг 13 апрел санасида “Ўзмиллийбанк” АЖ Фарғона бош бошқармасига қарашли

Марғилон БХОнинг валюта айирбошлаш ва касса амалиётлари шўъбаси кассири О.Абдураимов томонидан банк кассасидан жами 274 000 000 сўмни ўғирлаб, интернет тармоғидаги **Линибет** тотализатор ўйинига тикиб юборганлиги маълум бўлди. Юқорида номлари келтирилган ва шу каби тотализатор ўйинларига ўйнамаслик бўйича ҳар бир ишга янги қабул қилинаётган ходимларга, бундан ташқари ҳар бир ходимларга доимий тушинтириш ишлари олиб борилиши лозимлиги ҳақида айтиб ўтди.

Ш.Мухаммадқулов ўз сўзини давом этаркан банкнинг айрим ходимлари ички йўриқнома талабларига риоя этмасдан мижозларнинг кредит қарздорлигини сўндириш мақсадида, улардан нақд пул олиш ёки маблағларини ўз пластик карталарига ўтказиш йўли орқали воситачилик қилиш ва олинган маблағларни эса банкка ўз вақтида топширмасликлари, банк ходимлари ўз лавозимини суистемол қилган ҳолда мижознинг мансабдор шахслари билан тил бириктириб кредит маблағларини ўзлаштириш, мониторингини (дастлабки, жорий) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зид равишда юзаки ўтказиш, мулкни тўлиқ хатловдан ўтказмаслик (нарни, ҳолати, жойи), гаровга олинаётган мулкларни бозор нархида баҳоланмаслиги ва унинг оқибатида ноликвид активга айланиши, мижозларнинг ҳабарисиз уларнинг номларига кредит расмийлаштирилиб, ажратилган пул маблағларини талон-тарож қилинаётганлигини айтиб ўтди.

“Ўзмиллийбанк” АЖ Регистон банк хизматлари маркази бошқарувчиси А.Х.Мухторов, сўзини давоми эттириб, “Ўзмиллийбанк” АЖ Регистон, ташкил этилган “Аксилкоррупсия бурчак”ларида жойлаштирилган мониторинглар, плакатлар, **“Коррупсияга қарши курашни”** ва **“Коррупсия таракқиёт қушандаси”** бўйича эслатма ва нақлалар тарқатилиб ўрнатилган, коррупсия тўғрисида огоҳлантириш ва компютерлар орқали ҳар ойида ва ҳафталарда тарқатилиб ушбу дарсликлар ҳар бир ходимларни почталарига ташлаб берилмоқда, нафақат банк ходимларимизни, балки банкмизни мижозларимизни ҳам коррупсия иллати ва унинг оқибатларидан ҳабардор қилиб, ҳуқуқий онгини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ҳозирги кунда таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кўрсатилган ҳолатлар банкларнинг **“Қизил зонага”** киритилган ходимлар томонидан, уюшган жиноий гуруҳ ташкил этилган ҳолда, ҳамда тотализатор ва азарт ўйинлар ўйнаш ва бошқа турли ҳуқуқ бузарликларга қўл урганлиги оқибатида амалга оширилган ҳақида гаприб ўтди.

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг фирибгарлик ва коррупсияга қарши курашиш талаблари билан танишганлиги тўғрисида ҳар бир банк ходими тасдиқлаб берган мажбуриятномада жавобгарлиги ҳамда ушбу йўналишдаги ишларнинг тизимлилиги, самарадорлиги, кенг қамровлиги учун маъсулият биринчи раҳбарлар зиммасида эканлигини қатъий кўрсатиб ўтган.

барча ходимлар банк ишини юритишда амалдаги қонунчилик ҳужжатларига тўла риоя қилиш, пора олиш, кредит маблағларини ўзлаштириш, талон-тарож қилиш, банкка алоқадор шахслар ва уларнинг оила аъзолари томонидан кредитлар олиш ҳолатларининг олдини олиш тадбирларини доимий олиб бориш.

Коррупсияни олдини олишга қаратилган ислохотларни амалга ошириш доирасида “Ўзмиллийбанк” АЖ тизимида Ахборот ва банк хавфсизлиги департаменти Комплаенс назорат ва коррупсияга қарши курашиш бошқармаси ва унинг жойлардаги бош мутахассислари Банк ходимларининг ҳуқуқий онгини ошириш, тарғибот-ташвиқот тадбирларини янада жонлантириш ҳамда самарадорликка эришиш, қонун устиворлигини таъминлаш масалаларида тааллуқли ишларни олиб бормоқдалар.

Такрор ва такрор айтишимиз керакки, коррупсия - бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказибгина қолмай, инсон ҳуқуқлари бузилишига, молиявий бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилинишига, ҳар бир жаҳда таракқиётини секинлаштиришига ва жамият хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдириб кетишига шароит яратиб бериши ҳаммамизга кундек равшандир.

Коррупсияга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг, ички ахлоқий-руҳий маслаҳи ва эътиқодида айланиши керакки, бу коррупсияга қарши маърифатнинг ўзагини ташкил қилади. Қонун талабларининг тўлақонли амалга оширилиши мамлакатимиз аҳолисининг турмуш

фаровонлигини оширишга, ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат килади.

Коррупсиянинг ижтимоий сабабларига - жамиятдаги носоғлом муҳит, аҳолининг ҳукукий билим ва маданияти, маънавиятининг куйи (паст даражада) эканлиги, диний-маърифий саводсизлиги, уюшқоқлик ва жамоатчиликдаги фаолликнинг етишмаслиги киради. Шуниси эътиборлики, жамиятдаги ижтимоий онгнинг у ёки бу тарзда ўзгаришига одамларда давлат ва қонунларга нисбатан ишонч пайдо бўлишига, мамлакат раҳбар ходимларининг ўз вазифаларини қай даражада амалга оширишларига ўз таъсирини кўрсатади, албатта.

Йиғилиш сунггида Банк Хавфсизлиги Департаменти Директори Ш.Мухамадкулов “Ўзмиллийбанк” АЖ Регистон БХМ билан ИП телефон “ЗООМ”оркали ВКС ташкил қилиниб, йиғилиш ўтказилиб банк ходимларини юқори қайфиятда иш олиб бориш кераклигини ҳамда яна бир бор ўғирлик ва коррупсион ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан бошқарувчи ўринбосари, БХМ бошликлари, ва ходимларини огоҳлантирди. Бундан ташқари кредит бўлими ходимлари ва валюта-айирбошлаш ва касса амалиётлари шўбаси ходимлари, ҳамда банкнинг барча ходимларининг масъулиятини ошириш мақсадида тўшинтириб, коррупсияга қарши курашиш бўйича кўрсатмалар бериб, огоҳликка чақирди. Ҳозирги кунда ишлаш учун “Ўзмиллийбанк” АЖ раҳбарияти томонидан ходимлар учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги ходимлар томонидан коррупсия, тамағирликка йўл қўймасдан яхши иш ташкил этишлари тўғрисида кўрсатмалар бериб ўтди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзмиллийбанк” АЖ Ахборот ва банк хавфсизлиги департаменти директори Ш.Н.Мухамадкулов ва “Ўзмиллийбанк” АЖ Регистон БХМ бошқарувчиси в.б А.Х.Мухторовлар, томонидан 2026 йил 24 апрел куни ўтказилган йиғилиш қарор қилинган деб ҳисоблансин ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Регистон БХМ қарашли, Хавфсизлик, режим ва ахборотни ҳимоялаш бўлими (Ш.Саматов) “Ўзмиллийбанк” АЖнинг “Ички меҳнат тартиб қоидалари”га риоя этилишини доимий назоратга олсинлар;

3. Келгусида банк ходимлар томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолатларнинг содир этилишини олдини олиш мақсадида БХМда, доимий равишда профилактик тадбирларини ўтказиб борилиши, коррупсия ва унинг салбий оқибатлари ҳақида бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларга қарши кураш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари жалб этган ҳолда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилиши таъминлансин;

4. Барча ходимларининг ўз лавозим мажбуриятларини виждонан ва пок амалга оширишлари, коррупсиявий ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш мақсадида ҳуқуқий саводхонлигини ривожлантириш бўйича тарғибот ишлари амалга оширилсин.

5. Банк ходимларда мижозлар билан муносабатларда коррупсиявий ҳолатларнинг келиб, чиқишини олдини олиш, ҳамда ҳар бир бундай ҳолатлар, марказининг ва офиснинг барча ходимларининг коррупсиявий қарши курашиш ва комплаенс назорат бўйича бош мутахассисига ахборот бериш таъминлансин.

6. Агарда, юқоридаги талабларга риоя этмаган тақдирда, банк ходимларидан олинган қафолат хатларига асосан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг **161-моддаси талабларига** асосан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилишим тўғрисида огоҳлантирилган тўғрисида тушунтирилсин.

7. “Коррупсиявий ҳолатларнинг ҳар қандай турига йўл қўймаслик, тамағирлик ва порахўрликка қарши кескин кураш олиб бориш, салбий иллатларга батамом чек қўйиш

туғрисида" йиғилиш баёни билан, ходимларига имзо қўйган ҳолда таништирилсин.

8. Ушбу йиғилиш қарорини барча ходимларга таништириб чиқиш вазифаси ҳужжатлаштириш ва архив ишлар бўйича етакчи мутахассис З.Мусаева юклатилсин.

9. Ушбу йиғилиш қарорида белгиланган топшириқлар ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Мажлис котиби

 З.Мусаева

2026 y. "24" aprel

"O'zmilliybank" AJ Samarqand viloyati Bosh boshqarmasi Registon bank xizmatlari markazi tomonidan o'tkazilgan 24-sonli yig'ilish bayoni bilan tanishgan xodimlar RO'YXATI

№ n/n	F.I.Sh.	Lavozimi	Xodimning imzosi
1	Rahimov Sardor Abdulahadovich	Bosh buxgalter	
2	Pirmuxamedov Azamat Komilovich	Loyiha menejeri - mahalla bankiri	
3	Quchqorov Qurbonboy G'ayratovich	Bosh mutaxassis - mahalla bankiri	
4	Sadullayev Muxammasaid Sadullayevich	Yetakchi mutaxassis - mahalla bankiri	
5	Umurzoqov Sherzod Musomiddinovich	Bosh mutaxassis	
6	Muxtorov Akramjon Xusanovich	Boshqaruvchi birinchi o'rinbosari - Guruh boshlig'i	
7	Karimova Zarina Madjitovna	Yetakchi mutaxassis	
8	Yuldashev Zayniddin Ibroximovich	Boshqaruvchi o'rinbosari - Guruh boshlig'i	
9	Bakaveva Zarifa Fayzullayevna	Bosh mutaxassis	
10	Xashimova Lola Djavadovna	Bosh mutaxassis	
11	Kurbonova Nilufar Kazimdjonovna	Yetakchi mutaxassis	
12	Muminov Toxir Isroilovich	Yo'nalish menejeri	
13	Yusufov Azamat Shavkatovich	Bosh mutaxassis	
14	Saidov Mirvoxid Sodiqjon o'g'li	Yetakchi mutaxassis	
15	Saimova Nafisa Mamasharipovna	Kassa mudiri	
16	Kalandarova Shaxnoza Raxmanovna	Kassir	
17	Ochilova Ramziya Usmonkulovna	Kassir	
18	Turakulova Nozimaxon Iboydullayevna	Kassir	
19	Shavkatova Dilnoza Firdavsova	Kassir	
20	Tagiyeva Mexrangiz Xojikurbon qizi	Kassir	
21	Abbasova Nilufar Ismatilloevna	Resepshn bo'yicha mutaxassis	
22	Musayeva Zarnigor Yusufjon kizi	Xujjatlashtirish va arxiv ishlari bo'yicha yetakchi	
23	Bazarov Djasurbek Obidovich	Bosh mutaxassis	
24	Jo'raqulov Shaxzod Eshqobul o'g'li	Yetakchi mutaxassis	
25	Ashurkulova Marifat Xamrokulovna	Farrosh	
26	Nabiyeva Mukarram Karimovna	Farrosh	
27	Abidov Nodir Karimovich	Bosh mutaxassis	
28	Oripov Xurshid Yaxshiboevich	Bosh mutaxassis	
29	Kurbanov Soxib Manonovich	Loyiha menejeri	
30	Samatov Shavkat Xamidjonovich	Bosh mutaxassis	
31	Ashrafov Amir Mansurovich	Registon bank xizmatlari markazi bo'yicha Compliance officer	
32	Axrorova Sabina Farxodovna	Sotuv agenti	



NBU
O'ZMILLIYBANK

